



ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛ ТУШУНЧАСИ ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛАШ АМАЛИЁТИДА У БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУАММОЛАР

Юсупов Сардорбек Бахрамович

Магистратура ташкилий-тактик бошқарув
факультети 5-гуруҳ тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19591244>

Бугунги кунда глобал миқёсда кузатилаётган жадал илмий-технологик тараққиёт ва рақамли трансформация жараёнлари ижтимоий муносабатларнинг архитектурасини тубдан ўзгартирди. Замонавий ахборот-технологиялари ижтимоий ва иқтисодий алоқалар учун янги имкониятлар яратиш билан бирга, жиноятчиликнинг янги шакллари, яъни **кибержиноятчиликнинг** шаклланишига хизмат қилмоқда [1].

Виртуал маконнинг трансчегаравий хусусияти жиноий фаолиятни анонимлаштириш ва далилларни йўқ қилиш имкониятларини кенгайтди. Бу эса, тергов органлари олдида рақамли далилларни аниқлаш, тўплаш ва баҳолашнинг сифат жиҳатдан янги методологик асосларини ишлаб чиқиш вазифасини қўймоқда.

Рақамли далиллар билан ишлашдаги тизимли муаммолар ва тенденциялар

Замонавий криминалистикада жиноятларни тергов қилиш жараёни қуйидаги учта асосий тенденция билан ўзига хос хусусиятга эга:


- ахборот тизимларига ноқонуний кириш ва техник ҳужумларнинг мураккаблашиши;

- “Darknet” платформалари орқали гиёҳвандлик воситалари савдоси, фирибгарликнинг авж олиши, яъни анъанавий жиноятларнинг рақамли трансформацияси [2].

- смартфонлар ва IoT қурилмалари томонидан ишлаб чиқиладиган геолокация ва метамаълумотларнинг далилий аҳамиятининг ошиши.

Бироқ, криптографик ҳимоя ва биометрик идентификация тизимлари рақамли далилларни олишда ҳуқуқий ва техник тўсиқларни юзага келтирмоқда. Хусусан, шахсни ўз смартфонини очишга мажбурлаш масаласи инсон ҳуқуқлари ва “ўзига қарши кўрсатма бермаслик” каби конституциявий принцип билан тўқнаш келмоқда [3].

Юқоридаги муаммолар ўз-ўзидан электрон маълумот ва рақамли далил тушунчаларини таҳлил қилиш, уларнинг маъно мазмунини очиб беришни тақазо этади.





Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 204²-моддасида берилган таъриф рақамли далилларнинг нафақат табиатини, балки уларнинг техник ҳосил бўлиш жараёнини ҳам тўлиқ қамраб олмайди. Рақамли далил — бу шунчаки “электрон маълумот” эмас, балки техник воситалар ёрдамида муайян алгоритм асосида шаклланган далилий ахборотдир.

Электрон маълумотлар — бу электрон қурилмалар, ахборот тизимлари ҳамда ахборот технологиялари ёрдамида яратилган, ишлов берилган ва техник воситалар ёрдамида ўқиш (идрок этиш) имконини берувчи турли сигналлар ёки белгилар кўринишида (рақамли, аналог ва бошқа шаклларда) сақланадиган, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ахборотларни ўзида мужассам этган маълумотлар йиғиндисидир.


Бир сўз билан айтганда, электрон маълумотлар кенг маънодаги тушунча бўлиб, уларнинг ичидан ҳозирги замонда энг кенг тарқалган рақамли маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси алоҳида далил сифатида талабларни белгилаган, бошқа электрон маълумотлар эса ашёвий далилларга қўйилган талаблар асосида баҳоланади.

Рақамли далил — бу техник қурилмаларда, ахборот тизимларида ёки булутли серверларда иккилик код (0 ва 1) кўринишида яратилган, қайта ишланган ва сақланадиган, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга хизмат қилувчи, ўзининг яхлитлиги ва айнан ўхшашлиги техник усуллар билан кафолатланган ахборотлардир.

Рақамли далилнинг мазмуни — бу иккилик кодлар (0 ва 1) кўринишида кодланган, техник қурилма ёки тармоқ хотирасида сақланадиган ва содир этилган жиноятнинг реал воқелигини (ким, қачон, қаерда, қандай) акс эттирувчи информацион хабардир. Яъни, моҳиятан бу “нима содир бўлганлиги” ҳақидаги маълумот бўлиб, у номоддий характерга эга ва ахборотнинг мантиқий тузилишини англатади (*масалан, .jpg, .pdf, .tr4 форматлари*).

Рақамли далилнинг мазмуни бузилишига қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

- терговчи гумон қилинувчининг Telegram ёзишмаларини барча процессуал қоидаларга амал қилиб, мутахассис иштирокида расмийлаштирди. Лекин маълум бўлишича, гумон қилинувчининг akkaунтига олдиндан “троян” дастури юборилган ва номаълум шахслар унинг номидан гиёҳванд модда сотиш ҳақида хабарлар ёзиб қолдирган.





Оқибатда эса, техник жиҳатдан файллар ҳақиқий, лекин ундаги мазмун (айбдорлик ҳақидаги маълумот) сохта ёки қалбакилаштирилган. Яъни, рақамли из бор, лекин у реал воқеликни эмас, балки сунъий яратилган вазиятни акс эттиради. Хулоса қилиб айтганда, шаклан далил (экспертиза хулосаси ва баённома) мавжуд бўлса-да, лекин мазмун далил (ҳақиқатга мос эмаслиги) йўқ (ёки бузилган). Бунда ушбу далил шаклан мавжуд бўлса-да, мазмунан далил мақомида эмас, яъни номақбулдир.

Шу билан бирга, амалдаги ЖПКнинг 95¹-моддасига кўра, олиб қўйиш ёки кўздан кечириш бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда **мутахассис иштирокисиз** олинган электрон маълумотлар номақбул далиллар деб топилиши қайд этилган [4]. Бироқ, бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги энг катта муаммолардан бири ҳам айнан шунда, яъни ҳар бир туман (шаҳар)да бу тоифадаги мутахассис масаласи муаммолигича қолмоқда.

Масаланинг яна бир томони – мутахассис иштироки мажбурий қилинган бўлса-да, рақамли далил бўйича **хэш-қиймат** қўллаш қондаси амалдаги қонунчилигимизга кўра мажбурий эмаслиги турли хато ва номақбул далиллар олинишига, далилнинг мақбуллигини, ишончилигини пасайишига сабаб бўлмоқда. Чунки, мутахассислар барчаси рақамли эксперт эмас ва ишда иштирок этувчи аксарият мутахассислар техник билимларга эга бўлса-да, ушбу қоида талабларидан хабардор эмас.

Шу билан бирга, бугунги кунда рақамли далилларни турлар уларни аниқлаш борасида суриштирувчи ва терговчиларда бир мунча қейинчиликларни келтириб чиқармоқда. Рақамли далилларларни аниқлашда уларни турлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб уларга *компьютер файллари, электрон почта хабарлари, смартфон маълумотлари, ижтимоий тармоқдаги ёзишмалар, IP-манзиллар, кузатув камералари ёзувлари ва бошқа электрон ахборотлар* киради. Ҳар бир далиллар келиб чиқиш манбасига эга бўлиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида далилларга қўйилган талабларнинг асосий мезонини ташкил қилади.

Ҳар бир рақамли далил махсус техник воситалар ёрдамида олинади, сақланади ва процессуал тартибда расмийлаштирилади. Терговда мутахассислар иштирокида рақамли далилларни кўздан кечириш ва уларни ишга қўйиш қонунийликни таъминлайди, афсуски бугунги кунда замонавий терговда рақамли далиллардан фойдаланишда юқори малакали





мутахассисларни еташмаслиги рақамли далилларни тўплаш имкониятни бир мунча қейинлаштирмоқда.

Ваҳоланки, бугунги кунда жиноятларни тергов қилишда рақамли далиллар (*компьютер маълумотлари, IP-манзиллар, ижтимоий тармоқ хабарлари, видеокузатув*) жиноятни фош қилиш ҳамда шахснинг айбини исботлашда рад қилиб бўлмас асосий воситасига айланмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жиноятларни тергов қилишда рақамли далилларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш учун амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва маълумотларнинг бутунлигини тасдиқловчи хэш-қиймат каби қоидаларни мажбурий этиб белгилаш мақсадга мувофиқ. Рақамли изларнинг мазмунан ҳаққонийлигини таъминлаш ва уларни сохталаштиришдан ҳимоя қилиш мақсадида, тергов ҳаракатларига юқори малакали мутахассисларни жалб этиш ва рақамли далилларни олишнинг ягона тартибини жорий этиш давр тақозосидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: “Adolat”, 2022.
2. Rustambayev M.H. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat huquqi kursi. – Т.: Toshkent davlat yuridik universiteti, 2021.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель <https://lex.uz/docs/6445145> [Мурожаат қилинган сана: 26.03.2026].
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 2026 й. <https://lex.uz/docs/111460> [Мурожаат қилинган сана: 26.03.2026].

